

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

1928 йил 11 декабрда асос солинган

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

ИШ ҲАҚИ, ПЕНСИЯЛАР, СТИПЕНДИЯЛАР ВА НАФАҚАЛАР МИҚДОРINI ОШИРИШ ТЎҒРИСИДА

Республика аҳолисининг даромадлари ва турмуш даражасини янада муттасил ошириб бориш, фуқароларга ижтимоий мадани кунайтириш мақсадида:

1. 2018 йилнинг 15 июлидан бошлаб бюджет муассасалари ва ташкилотлари ходимларининг иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ҳамда нафақалар миқдори ўрта ҳисобда 1,07 баравар оширилсин.

2. 2018 йилнинг 15 июлидан бошлаб Ўзбекистон Республикаси ҳудудида энг кам: иш ҳақи – ойига 184 300 сўм; ёшга доир пенсиялар – ойига 360 460 сўм; болаликдан ногиронларга бериладиган нафақа – ойига 360 460 сўм;

зарур иш стажига эга бўлмаган кекса ёшдаги ва меҳнатга лаёқатсиз фуқароларга бериладиган нафақа ойига 221 190 сўм миқдорида белгилансин.

3. Белгилаб қўйилсинки, иш ҳақи ҳамда пенсияларга қўшилган устама ва қўшимча ҳақларнинг барча турлари, энг кам иш ҳақига нисбатан белгиланган компенсация ва бошқа тўловлар 2018 йилнинг 15 июлидан бошлаб мазкур Фармонда белгиланган энг кам иш ҳақи миқдоридан келиб чиққан ҳолда амалга оширилади.

4. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ҳамда бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидан молиялаштириладиган ташкилот ҳамда муассасалар билан биргаликда пенсиялар, стипендиялар ҳамда бюджет муассасалари ва ташкилотлари ходимларининг лавозим маошлари миқдорини мазкур Фармон қоидаларидан келиб чиққан ҳолда ўз вақтида қайта ҳисоблаб чиқишни таъминласин.

5. Бюджет муассасалари ва ташкилотлари ходимларининг иш ҳақи, пенсиялар, нафақалар ва стипендияларнинг оширилиши билан боғлиқ сарф-харажатлар Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси маблағлари ҳисобидан амалга оширилсин.

Ҳўжалик ҳисобидаги корхона ва ташкилотлар 2018 йилнинг 15 июлидан бошлаб мазкур Фармонда белгиланган энг кам иш ҳақига мувофиқ, ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш ва меҳнат сарфини камайтириш ҳисобига иш ҳақи миқдорини оширсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 ноябрдаги "Иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ва нафақалар миқдорини ошириш тўғрисида"ги ПФ-5245-сонли Фармони (6-банди истисно қилинган ҳолда) 2018 йилнинг 15 июлидан ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

7. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Молия вазирлиги билан биргаликда бир ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига тақлифлар киритсин.

8. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А. Н. Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари – молия вазири Ж. А. Қўчқоров зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,
2018 йил 2 июль



Шу кунни эрта тонгдан вилоятнинг барча туман ва шаҳарларидаги марказий истироҳат боғлари ва хиёбонларда турли томошалар, танлов ва спорт мусобақалари, мушоиралар, ёшлар сайиллари ўтказилди.

Асосий тантаналарга мезбонлик қилган Бекобод шаҳридаги "Ўзбекистон металлургия комбинати" маданият саройида ташкил этилган "Ёшлар – келажакимиз!" шиори остидаги маданий-маърифий тадбирларда истеъдодли ва фаол ёшларнинг ижодий асарлари, хунармандчилик буюмлари, ёш тадбиркор ва фермерлар тайёрлаган маҳсулотлардан намуналар намойиш этилди. Жойлардаги ҳарбий қисмларда эса "Ватан ҳимояси – юксак масъулият" мавзусида учрашувлар, давра суҳбатлари бўлиб ўтди.

– Бугунги кенг қўламли ислохотларни янги босқичга қўтариш, жамиятдаги янгиланиш жараёнларида ёшларимиз ҳал қилувчи куч ҳисобланади, – дейди Ёшлар иттифоқи вилоят кенгаши раиси Дониёр Каримов. – Шу боис, бугун ҳаётга кириб келаётган ёшларимизнинг жамиятда муносиб ўрин эгаллашига эришиш учун олдимизда долзарб вазифалар турибди. Мустақил фикрлайдиган, ўзининг ҳаётий позицияси ва қатъий эътиқодига эга ёшларни тарбиялаш масаласидаги масъулият ва жавобгарлигимизни бугунги тадбирлар давомида янада чуқурроқ ҳис этдик.

– Бу йил биринчи мартаба ўтказилаётган тантаналар қувончини сўз билан ифодалашим кийин, – дейди фаол ёшлардан бири Муаззам Мухторо-

ЭРТАНГИ КУН БИЗНИКИ, МАРРА БИЗНИКИ!

Вилоятимизда Ёшлар кунни кенг нишонланди



ва. – Байрам тадбирлари туфайли туманлардан келган тенгдошларим билан яқиндан танишиб олдик. Ўзимизни бир оиланинг фарзандларидек ҳис қилиб, орзу-истакларимиз ҳақида бир-биримизга айтиб бердик. Истеъдодли дўстларимиз ҳар томонлама қўллаб-қувватланаётганлигини кўриб фахрландик. Тадбиркор ёшларга берилётган имтиёз ва қулайликлардан хурсанд бўлдик.

Байрам муносабати билан вилоятимиз туманларида кам таъминланган, ижтимоий ҳимояга муҳтож оила фарзандларига мурувват ёрдамлари, шунингдек, боқувчисини йўқотган ёшларнинг намунавий никоҳ

тўйлари ўтказилди. Шу билан бир қаторда Ёшлар кунинда ўз тўйларини ўтказган ёш оилаларга эсдалик совғалари топширилди.

– Бу кун ҳаётимизда энг ҳаяжонли, эсда қоларли бўлди, – дейди оҳангаронлик Олимжон Обиджонов. – Энди ҳар йили Ёшлар кунинда турмуш ўртоғим билан никоҳ оқшоимиз бўлиб ўтганини ҳам нишонлайдиган бўлдик. Шу кунни ёшлар иттифоқи вилоят кенгашидан ҳам меҳмонлар келишиди. Тўйимиз ихчам ва тартибли, ортиқча сарф-харажатларига ўтгани ҳаммага маъқул бўлди. Тежаб қолинган маблагни энди рўзғоримиз кам-

қўстини бутлашга ишлатмоқчимиз.

Шу кунни вилоят ҳокимлиги, Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи вилоят кенгаши аъзолари ва фаол ёшлар иштирокида "Ҳоким ва ёшлар" учрашуви ҳам ўтказилди.

Учрашувда яқинда Президентимиз фармони билан қабул қилинган "Yoshlar – kelajagimiz" Давлат дастури-ёшларнинг бизнес ташаббуслари, стартаплари, гоёлари ва лойиҳаларини рўёбга чиқаришга қўмаклашиш ва қўллаб-қувватлаш, банд бўлмаган ёшларни меҳнат бозорига талаб юқори бўлган мутахассисликлар ва бизнес қўнимчаларига ўқитиш, шунингдек, ёшлар-

нинг ижтимоий-иқтисодий фаоллигини ошириш орқали уларнинг бандлигини таъминлашга қаратилгани ва ушбу давлат дастури ilk бор тажриба тариқасида айнан Қуйи Чирчиқ туманида амалга оширилаётгани вилоят ёшлари ҳаётида бекиёс аҳамиятга молик эканини алоҳида қайд этди.

Таъкидланганидек, ўтган йил давомида вилоят ёшлари турли соҳаларда қўнғина ютуқларга эришди. Жумладан, 10 га яқин ёшларимиз Давлат мукофотлари билан тақдирланди, 100 нафардан ортиқ спортчиларимиз Жаҳон ва Осиё чемпионлари бўлишди.

Давоми 4-бетда ➡

БОҒЧАДА БЕШИК БОР

демак, алла ҳам бўлади

Давлатга тегишли мактабгача таълим муассасалари бор. Билмиш. Мана шундай масканларнинг ҳусусийлари ҳам кўп. Қўнғини. Эътиборлиси, кейинги пайтларда мактабгача таълим масканининг "хонадон боғчалар" деган тури ҳам кўпаймоқда.

Тухфа

Куни кеча Бўка туманида ана шундай муассасаларнинг навбатдагиси фойдаланишга топширилди. Чарос Аҳмедова саъй-ҳаракати билан иш бошлаган "Одинабону" номи тарбия ўчоғи туманининг "Ўзбек" маҳалласида жойлашган.

– Шу тариқа туманимиздаги мактабгача таълим муассасалари сони 14 тага етди,

– дейди туман ҳокимининг ёшлар сиёсати, ижтимоий ривожлантириш ва маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосари Аъзамжон Борхўжаев. – Шундан 4 таси нодавлат. Биласизми, ҳусусий боғчалар ўзини оқлаётти. Мана, яқиндагина "Тошлоқ" маҳалласида ҳам 20 ўринли шундай муассаса ташкил қилган эдик. Бундан қанчали, ушбу

масканга эҳтиёж ортиб, алоҳида хоналар қуришга тўғри келди. Ҳозирда бу ерда тарбияланаётганлар сони 35 нафарга етди. Бироқ, бу ҳам камлик қилапти.

– Боғчамиз 1 ёшдан 7 ёшгача бўлган 40 нафар қорақўзга мўлжалланган, – дейди "Одинабону" мактабгача таълим муассасаси раҳбари. – Улар учун барча шароитлар муҳайё. Деярли, эртаю кеч кўз олдимизда, назоратимизда бўлишади. Ўзим инглиз тили ўқитувчиси бўлганим учун, боғчамизда бир нечта тил тўғрақлари фаолиятини ҳам йўлга қўйганмиз. Шунинг-

дек, баъзи оилалар тақлифларидан келиб чиқиб, ҳафта-сига 7 кунлик иш тизимини ҳам жорий қилдик. Дилбандларимизга 4 маҳал сифатли таомлар тайёрланади. Ёшлар ширинтойларимиз 2 та сув ҳавзасида мириқиб чўмилдилар.

Дарвоқе, сўраганимиз айби йўқ: болангиз бешикда ётадими? Агар ётса, яна яхши – "Одинабону"да бу ҳам эътиборга олинган. Ишонамизки, тарбиячилар аллани ҳам жуда яхши айтишади.

Эрзоли НОРЕБЕКОВ,
"Тошкент ҳақиқати"
мухбири

Моҳият

Ўзбекистонда 2017 йилнинг кўп бор ишлатилган фаол сўзи ёки иборасини аниқлаш аъёнаси бўлганида, бугун сарқира ҳаётимизга бевосита дахлдор, кейинги бир йил ичида мамлакатимизда, турмуш тарзимизда, онгу тафаккуримизда, муштақил Ўзбекистон давлатининг жаҳон ҳамжамиятидаги ўрни ва нуфузида юз берган ўзгаришларни ўзида акс эттирадиган қайси сўз ёки ибора қолиб бўларди? Шу ҳақда ўйлар эканман, ҳаёлимга биринчи бўлиб "ҳаракат" сўзи келди.

КЎНГИЛГА ОЧИЛГАН ЙЎЛ

Кейинги пайтлар бутун мамлакат, эл-юрт, барча-барчамиз янги уйғониш фасли, янги умумийлик ҳаракат, уйғонаётган тафаккур таъсирида яшашимиз, десак, муволаҳа бўлмайди. Бу жараёни Президент Шавкат Мирзиёевнинг янги лавозимдаги дастлабки нутқ ва маърузалари бошлаб берди. Ўзбекистонни 2017-2021 йилларда ривожлантириш, одамлар ҳаётини янада фаровонлаштириш, ижтимоий адолат таъминлашга тўла амал қилиш билан бевосита боғлиқ Ҳаракатлар стратегияси уни аниқ мақсадлар сари йўналтирди. Давлатимиз раҳбарининг одамлар мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотларнинг натижаларини олис келажакда эмас, бугун кўришлари, баҳраманд бўлишлари, ҳаётларидан рози бўлиб яшашлари керак, деган даъвати бу жараёнга беимис куч-қудрат бахш этди: бугун Ўзбекистонга ҳолис кўз билан қараган киши, у хориждан келган оддий саёхатчи, мартабали меҳмон ёки давлат арбоби бўладими, бундан қатъи назар, кўп нарсани кўради, қувонади, ҳайратга тушади.

Давоми 2-бетда ➡

2018 йил – Фаол тадбиркорлик, инновацион гоёлар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили

Пискентлик Фароғат Муҳаммаджонова коллежни тамомлаб, тахсилни институтда давом эттириш мақсадида эди. Имтиҳонда унинг билими бир оз камлик қилиб, талаба бўлиш насиб этмади. Лекин, у тушунлиққа тушмади. Бекор юргандан кўра, бирорта корхонада фойдали меҳнат қилишни дилига тугди.



Тумандаги "Azalea garment" корхонасига тикувчилар қабул қилинаётганини эшитиб, тезда у ерга борди ва корхона ишчисига айланди.

– Ишга кирганимга яқинда бир йил бўлади, – дейди биз билан суҳбатда Фароғат Муҳаммаджонова. – Янги келган вақтимда бир оз қийналганман. Устозларнинг ёрдами билан касб сирларини пухта ўрганиб, бинойидек тикувчига айландим. Бу ерда биз ҳалол меҳнатимиз орқасидан оиламиз фаровонлигига ҳисса қўшаётганимиздан хурсандимиз. Ишонганим уйимизга

яқинлиги ҳам жуда қулай бўлди.

Мазкур корхонада болалар ва катталар учун турли хил кийим-кечаклар тайёрланади. Иш самарадорлиги ва маҳсулот сифатини ошириш мақсадида Япониядан икки юздан ортиқ тикув машинаси келтирилган. Бундан ташқари, дазмоллаш ва қадоқлаш цехлари ҳам замонавий анжомлар билан жиҳозланган. Иш жараёнига инновацион гоёлар ва технологиялар жорий қилинаёттир.

– Маҳсулотларимизнинг ҳаммаси экспортга мўлжалланган, – дейди корхона

директори Ҳамидулла Абдуллаев. – Асосий ҳамкоримиз Россия ҳисобланади. Келажакда Европа давлатлари бозорларига ҳам кириб бормоқчимиз. Авваллари газламаларни бошқа жойдан харид қилардик. Апрель ойидан бошлаб эса, Хитойдан замонавий технологияларни олиб келиб, тўқув целини ишга туширдик. Эндиликда газламани ўзимиз тўқийдиган бўлдик. Тез орада бўёқ цехини ҳам ишга туширамиз.

Мазкур чеварлар жамоасида ўтган йили 600 минг АҚШ долларилик маҳсулот тайёрланди. Жорий йилда эса 800 минг АҚШ долларилик кийим-кечакларни чет эллик харидорларга етказиб бериш мўлжалланмоқда.

Ҳозирда корхонада 250 нафардан ортиқ киши меҳнат қилади. Улар учун қулай шароитлар яратилган. Ходимлар мунтазам моддий ва маънавий рағбатлантирилади. Байрамларда концертлар ташкиллаштириш ҳам аъёнага айланган.

Зухриддин РАҲМОНОВ,
"Тошкент ҳақиқати"
мухбири
Равшан МИРЗАҚУЛОВ
олган сурат

Бу хайрат Юртбошимизнинг мамлакат Парламентига йўллаган Мурожаотномасини тинглаган кишида янада ортади. Ўзбекистоннинг бугунги шиддати дунёнинг салмоқли эътиборига сазовор бўлмоқда.

Йилнинг энг фаол сўзи голиблигига "мулоқот" ҳам даъвогарлик қилиши мумкин. Дунё дунё бўлганидан бери "Бир-бирингизни тингланг, сўзини бўлмай эшитинг, тўғри гапни фақат мен айтаман дейишдан тийилинг, шундай қилсангиз, муаммолар ечимини осонгина топан бўласиз", деган оддий инсоний маданият, раҳбарий фазилят одамлар онига, характери-га, иш услубига сингишга ҳаракат қилади. Аммо ҳамма вақт ҳам, ҳамма ҳолатларда ҳам бунга эриша олмади. Чунки бир-биримизни эшитмаймиз, фикрини ўқмаймиз, нуқул ўзимизникини маъқулаймиз. Адашётганимизни, хатога йўл қўётганимизни билсак ҳам, буни тан олишга журъatismiz этишмайди. "Мен ҳақман, бошқалар ноҳақ", деган ноёб қобил ичида қолиб кетамиз. Холбуки, ҳақиқат, адолат ҳамиша ҳам фақат бир томонда бўлмайди.

Мамлакат раҳбарининг янги сиёсий йўли халқни тинглаш, уни бутун вужуд, ақл-идрок, ҳурмат-эҳтиром билан эшитишдан, мамлакатнинг олис бир чеккасида яшаётган оддий деҳқон ёки чўпонга ҳам фикрини эмин-эркин баён қилишга имкон бериш зарурлигини эътироф этишдан бошланди. Ҳокимлар, вазирлар, депутатлар, прокурорлар, ҳуқуқ-тартибот, солиқ, божхона ташкилотлари раҳбар ходимлари, бошқа нуфузли мансабдорлар халқ ичига киришди, қишлоққа-қишлоқ, овулма-овул, маҳаллама-маҳалла, уйма-уй юришди. Дардини тўкаётган, муаммосини ифодалаётган, катта-кичик қабулхоналарда ўтириб, ранглар саргайиб кетган одамларни эшитишди. Бундан бирорта мансабдорнинг обрўси тўқилиб қолмади, нуфузига соя тушмади, аксинча, халқнинг янги раҳбариятга меҳри, ишончи, Ўзбекистоннинг янги йўлига садоқати ошди. Президентимизнинг виртуал қабулхонасига келиб ташқаранга кўтарилган масалаларнинг янги ҳал этилиши ҳақиқат.

Бошланғич 1-бетда

да янги рух, янги маънавий муҳит юзага келтирди. Бу рух, бу муҳит билан биз дунёнинг ривожланган, ҳар жабҳада баланд марраларни эгаллаган, юксак натижаларга эришган, дунё бозорларида савлат тўкиб турган пешқадам давлатлар сафига кириб борамиз, ўз ўрнимизни топамиз.

Учинчи сўз – "садоқат". Мамлакат раҳбариятининг юксак ишончига сазовор бўлган ҳар бир киши, каттадир-кичикдир, лавозим курсисига ўтирар экан, эл-юртга миллат манфаатларига са-

оёғи ердан узилмайди. Оёғи ердан узилмаганларни эса она замин азиз фарзандидек асрайди, меҳрини, саховатини дариг тутмайди.

Бугун кучоқни катта очган, қадми дадиллашган, дунёга янгича қиёфада шиддат ва ишонч билан кириб бораётган Ўзбекистонга аини шундай садоқатли, фикрини тиниқ одамлар керак. Бу фазилят нафақат раҳбарларнинг, барча-барчанинг қон-қонига, жон-жонига, инсоф-диёнатига сингмоғи шарт. Жумладан, журналистлар-


топилиши амримахол бўлган маънавий оламига қайтдик. Чингиз Айматов бундан анча йиллар аввал: "Бу кетишда бир-биримиздан узоқлашиб кетамиз, бир-биримизни танимай қоламиз, таржимон орқали сўзлашимизга, муомала қилишимизга, бир-биримизни тушунишимизга тўғри келади", деб қуюнган эди. Давлатимиз раҳбарининг халқчил сиёсати боис йўллар очилиб бормоқда, сунъий гов-тўсиқлар олиб ташланмоқда, кўнгил губорлари ювилмоқда. Тили, дини, тарихи ва маданияти, кўзлаган мак-

дунёнинг катта бир қисмини титратиб турган шўролар салтанатининг илдинини қуритди. Одамларни ҳайбаракаллачига айлантдириб қўйди. Қизил салтанат мафкурачилари "Давлат-жамият-шахс" муносабатларини атайин чалкаштиришди. Одамлар онига "Давлат бошқа, жамият бошқа, халқ бошқа", деган сохта тушунчани сингдиришди. Бу билан улар "Давлат – бу ўз номи билан давлат, сиёсат ҳам шундай, сен улар ишига аралашма, тинчгина бошингни қашламай юравер", демоқчи бўлишди. Шундай бўлди ҳам. Бу фикрга қўшилмаганлар жазага тортилди. Бугун барча-барчамизга, ҳатто энди-энди вояга етаётган фарзандларимизга ҳам қундай равшанки, давлат – бу биз, ўзимиз, жамият ҳам ўзимиз. Ҳар бир шахсда давлат ҳам, жамият ҳам ўз ифодасини топади. Олимларимиз буни содда, ҳамма тушунадиган халқона тилда шарҳлашдан чарчамасликлари керак.

Фикр ривожига ким, нима туртки беради? Жамиятдаги эркинлик, танқид ва таҳлилга тўғри муносабат, албатта. Давлатимиз раҳбарининг деярли барча чиқишлари кучли мантиққа эга танқидий таҳлил, ютуқ-камчиликлар сабабларини кўринмас илдишларига очиб бериш, уларни бундан бўён такоррамаслик зарурлигини ўқитиришдан иборат. Бу журъатли принцип масъул лавозимли барча раҳбарларга, катта-кичик ҳисси-туйғусиз маърузаларга, адоқсиз, кераксиз ҳисоботларга, парламентимиздаги муҳокамаларга ва албатта, оммавий ахборот воситалари фаолиятига ҳам қўчиши керак. Матбуотимиз саҳифаларида жамоатчилик вакиллари, қунончақ фидойиларнинг турфа хил фикр-мулоҳазалари, аччиқ, аммо ўринли танқидлари, эътиборга молик тақлифлари қанча кўп бўлса, ҳақиқатни англаш, адолатли ечимларни топиш, келажақ сари шиддатлироқ одимлаш имкониятлари шунча ошди. Ўз-ўзига танқидий муносабатда бўлган, бошқаларга эмас, энг аввало, ўзига, виждонига ҳисобот беришга одатланган, ўз ҳисоботидан биринчи галда ўзи қониқсиз ҳосил қиладиган жамият ҳеч қачон кам бўлмаган ва бўлмайди ҳам.

Аҳмаджон МЕЛИБОВ

КЎНГИЛАГА ОЧИЛГАН ЙЎЛ



HARAKATLAR STRATEGIYASI
2017-2021

доқат билан хизмат қилиши, бу йўлдан оғишмаслиги, виждонига зид иш тутмаслиги, имон-эътиқодини сусайтирмаслиги керак. Бу дунёнинг кўпларни қалгитувчи "хою-хаваслари" гўзал маликадай қош қоқиб, ишва билан олдиға келганида, Машраб бобомиз каби, унинг кетига "шатталаб" қўйиши лозим. Имон-эътиқодли, инсоф-диёнатли, бугун билан бирга эртани, ундан кейинки ҳам кўра оладиган, ўзи, оиласи, сулоласи шачини ҳурмат қиладиган киши ҳамиша шундай йўл тутади. Манманлик, такаббурлик қўчасига кирмайди, халқдан узоқлашмайди. Халқдан узоқлашмаган раҳбарнинг

нинг ҳам. Шундагина кўзланган улғу мақсадларга эришимиз мумкин. Тўртинчи даъвогар сўз – "қўшничилик". Дунё тарихидан маълумки, ҳамма замонларда ҳам яхши қўшничилик тинчлик-тотувликнинг ҳамиртуруши бўлган. Узоқ-яқин қўшнилари билан тил топа олган, ўзаро елкадош, қўмақдош бўлиб, бир-бирларини мураккаб вазиятларда қўллаб-қувватлаган давлатлар тараққийётга юз тутган. Бу – инкор қилиб бўлмайдиган ҳақиқат. Яқин-яқингача ота-боболаримиз ҳовлига ўчоқ қуришсан, тутун қайси томонга ўрлашини ҳисобга олишган, қўшни томон деворидан кичик эшикча очиб, тўй-маъракаларда бир-бирларига ризқ-насиба улаштишган, қўшининг меҳмонини меҳмондан ошириб сийлашган. Ҳовлисиди, дала-сида ҳосил етилса, қариндош-уруғдан аввал қўшилларга узатишган. Бир-бирларидан бохабар бўлиб яшаган. Кейинги икки минг йиллик дунё шу фазилятлар боис ҳам чок-чокидан сўқилиб кетмаган десам, хато бўлмас.

Бугун биз боболаримизнинг "Ҳовли олма, қўшни ол", "Қўшнинг тинч – сен тинч", "Ён қўшнинг – жон қўшнинг", "Сизнинг айвон бизнинг айвон эмасми", деб бошладиган ноёб ғазалати дунёсига, Ер юзининг бошқа ҳеч бир жойида топилмайдиган, яқин орада

сади, борар манзили бир бўлган халқлар, мамлакатлар бир-бирига яқинлашиб, бир-бирини бағрига босмоқда. Бу қайтишнинг умри узоқ, пешонаси порлоқ бўлсин, деймиз.

Бешинчи сўз – "фикр". Кейинги бир йиллик умримиз фикр уйғоқлиги, зийрак тафаккур шароитида ўтди. Жон-танимизга сингиб кетган мудроқлик, беғамлик барҳам топаётгандай. Тафаккур бағларининг дарвозалари очилгандай, фикримиз журъат тулпорига мингандай. Бунни сезиш қийин эмас.

Фикр нима ўзи? Бу саволга жавоб тайёр: фикр – жамиятнинг қон томири, жони, тириклиги, ҳаракати, шиддати, умрининг узоқлиги. Фикр жамиятни ривожланишда, ҳаракатда, соғлом ҳолатда ушлаб туради. Донишмандлар фикрни ҳаётнинг жон булоғига қиёслашган. Фикрлашганимиз, демек яшашганимиз, дейишган. Ва яна "Фикрлашдан тўхтаган одамнинг умри ҳам тўхтайдиган, энди у фақат мавжуд бўлиб қолади", дея ёшларга сабоқ беришган, бу аччиқ ҳақиқатдан барча-барча оғоҳ қилинган.

Фикр фикрдан унади. Фикрлар хилма-хиллиги ҳаётимизни, шубҳасиз, тараққийётга йўналтиради. Фикр мудрайд бошласа, унга эҳтиёж сусайса, жамият ҳам мудрайд бошлайди. Фикрсиёзлик иллоти

публикасида диний ташкилотларни давлат рўйхатидан ўтказиш, қайта рўйхатдан ўтказиш ва тугатиш тартиби тўғрисида" ги низоми ижросини таъминлашга бағишланган амалий семинар ташкил этилди.

ОНКОЛОГИК КАСАЛЛИКЛАР барвақт аниқланмоқда

Миллий матбуот марказида "Ўзбекистон онкология хизматининг ҳолати: онкологик касалликларнинг олдини олиш ва барвақт аниқлашнинг самарали тизимини яратиш, ташхислаш ва даволашнинг илғор усулларини жорий этиш, замонавий диагностика ва даволаш аппаратлари билан таъминлаш ҳолати ва истиқболлари" мавзусида матбуот анжумани бўлиб ўтди. Унда соҳа мутахассислари, профессор-ўқитувчилар, талаба-ёшлар ва ОАВ вакиллари иштирок этди.

Миллий матбуот марказида

Таъкидланганидек, онкологик касалликлар бугунги кунда бутун дунёда инсон саломатлигига жиддий таъсир этаётган долзарб тиббий-ижтимоий муаммодир. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг маълумоти-га кўра, афсуски, бундай касалликларга чалиниш кўрсаткичи йилдан-йилга ўсиб бормоқда. Дунёда ҳар йили 16 миллионга яқин бирламчи саратон ҳолати аниқланади. Жумладан, мамлакатимизда ҳам 100 мингдан ортиқ бемор онкологик касалликлар бўйича ҳисобда туради.

Тахлилларга кўра, 50 фоиздан ортиқ ҳолатларда касаллик учинчи ва тўртинчи босқичларда, яъни, тўлақонли даволаш мушкул бўлган босқичда аниқланмоқда. Шу боис, бу тиббий-ижтимоий муаммога қарши курашиш нафақат соғлиқни сақлаш соҳаси, балки, бутун жамият зиммасига катта масъулият юкляпти.

Президентимизнинг 2017 йил 4 апрелда қабул қилинган "2017-2021 йилларда Ўзбекистон республикасида онкология хизмати янада ривожлантириш ва аҳолига онкологик ёрдам кўрсатишнинг тақомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида" ги Қарори бу борадаги устувор вазифаларни ҳаётга татбиқ этишда муҳим дастуриламал бўлмоқда. Шунга мувофиқ, виллоятлардаги 15 та онкология диспансери Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт марказининг филиаллари айлантирилди. Онкология муассасалари ре-

конструкция ва модернизация қилинди. Онкологик касалликлар диагностикаси ва даволашнинг замонавий стандартлари ишлаб чиқилди ва тасдиқланди.

Айнан ушбу касаллик билан боғлиқ муаммоларнинг олдини олиш мақсадида саратон профилактикаси маркази ташкил қилинди. Жойларда аҳоли ўртасида хасталикка доир хабардорликни ошириш мақсадида махсус гуруҳлар тузилиб, мифкорлар томонидан шунтадан ташвиқотлар амалга оширилмоқда.

Шунингдек, ҳудудларда аҳолига кўрсатилаётган онкология хизмати сифатини тубдан яхшилаш мақсадида, ўтган йили пойтахтимизда фаолият юритаётган етакчи мутахассислар марказининг виллоят филиалларида раҳбарлик лавозимларида иш бошлади. Бунинг натижасида, ҳудудларда ҳам мураккаб жаррохлик амалиётлари бажарилмоқда.

Аҳолига кўрсатилаётган юқори технологик тиббий ёрдамни янада тақомиллаштириш мақсадида 100 дан ортиқ мутахассис АҚШ, Польша, Ҳиндистон, Туркия, Россия, Беларусь ва бошқа нуфузли чет эл муассасаларида ўз малакаларини ошириб келди.

Матбуот анжуманида онкология хизматининг бугунги ҳолати ва истиқболлари, амалга оширилаётган тиббий-ижтимоий лойиҳалар ва келгуси режалар ҳақида сўз борди. Журналистларнинг саволларига мутахассислар томонидан атоф-лича жавоб берилди.

Салим АБДУҚОДИРОВ

Семинар

Нурафшон шахрида виллоят Адлия бошқармаси ташаббуси билан "2018 йилда Ўзбекистон Республикасида ОИВ инфекцияси тарқалишига қарши курашиш Давлат дастури" ҳамда "Ўзбекистон Рес-

СОҒЛОМ ҲАЁТ УЧУН ЙЎЛЛАНМА

Унда шахар ва туман фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш бўлимлари ҳамда диний муассасалар ходимлари иштирок этди.

Семинарда сўзга чиққанлар диний ташкилотларни давлат рўйхатидан ўтказиш ҳамда аср вабоси тарқалишига қарши курашиш, ниқоҳланувчиларни тиббий кўрикдан ўтказиш тадбирларининг аҳамияти ҳақида атофлича фикр-мулоҳаза билдирдилар.

Семинар якунида иштирокчиларни қизиқтирган саволларга жавоб берилди.

С. ЭШМАТОВА



Тадбир

Ёшлар куни муносабати билан Чиноз туманида "Ҳеч ким эътибордан четда эмас" шиори остида хайрия акцияси ўтказилди. Виллоят жисмоний тарбия ва спорт бошқармаси, туман ҳокимлиги ва Ёшлар иттифоқи ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда болалар ва ўсмирлар спорт мактабининг бир гуруҳ ўқувчилари иштирок этди.

ҲЕЧ КИМ ЭЪТИБОРДАН ЧЕТДА ЭМАС

– Аҳолининг эҳтиёж-манд қатламларини манзилли ижтимоий ҳимоя қилиш бугунги сиёсатимизнинг устувор йўналишларидан бири, – дейди туман ҳокими ўринбосари Насиба Қорабоева.

– Шу мақсадда, туманимизда истиқомат қиладиган кам таъминланган оила фарзандларини байрам шуқуҳига ошно этишга ҳаракат қилдик. Уйма уй юриб, улар ҳолидан хабар олдик. Уларнинг деярли барчасини яқиндан биламан. Улар спорт бўйича туман ва виллоят босқичларида фахрли ўринларни қўлга киритиб келишди. Шунга ишонамизки, бу қоракўзлар келгусида Осиё

ва Жаҳон ареналарида байроғимизни кўларга кўтариб, ота-оналарининг юзини ёруғ қилишад.

– Спортнинг бокс тури билан мунтазам шуғулланаман, – дейди мактаб тарбияланувчиси Аббос Қодиров. – Совринли ўринларни қўлга киритганим. Бизга мана шундай эътибор ва ғамхўрлик бор экан, келгусида бунданга юксак натижаларга эришимизга ишонаман.

Мутасаддилар томонидан спортчи ёшлар камол топаётган хонадон соҳибларига виллоят ҳокимининг совғалари тортиқ этилди.

Ўз мухбиримиз

«МЕҲРЖОН»НИНГ МЕҲР БУЛОҒИ

"Тошкент" денгизи бўйидаги сўлим гўшада жойлашган "Меҳржон" дам олиш оромгоҳида шўх-шодон болажонлар мароқли ҳордиқ чиқаришмоқда. Бу ерда мингдан зиёд болақай мавсум давомида соғлиқларини тиклаш бораберида, ёзги таътилни мазмунли ўтказиб, қўллаб-қўллаган орттиришади.

Болалар ёзи – 2018

Оромгоҳда барча қулайликлар мавжуд. Спорт майдончалари, сузиш ҳавзалари, ўйингоҳлар, сахна, кутубхона кичкинтойлар хизматида. Яқиндагина ташландиқ жойни обод этиб, кутубхона қурилди. Турли-туман эртак китоблари, болалар адабиёти билан бойитилди. Бундан ташқари, ёш китобхонлар буюк сиймоларимизни ёшлардан кўриб, таниб, англаб етишлари учун кутубхона йўлақчалари бўйлаб машҳур алломалар, адиб ва шoirларимизнинг портретлари осиб қўйилган. Китобга меҳр болаликдан уйғонсин. Мақсад шу.

Эътиборлиси, ушбу соғломлаштириш маскани бўш ерларидан унумли фойдаланишни ҳам йўлга қўйган экан. Бу ҳақда бизга оромгоҳ раҳбари Олимжон Турсунбоев сўзлаб берди: – Бир-биридан ширин ме-



ваю сабзавотлар ўзимизда етиштирилади, – дейди у. – Боғимизда олма, гилос, анор ва бошқа мевалар бор. Шун-дққина чапга бурилсангиз, иссиқхоналарда помидор, бод-ринглар пишиб ётибди. Лимон ҳам етилай, деб қолди. Худо хоҳласа, келгуси йилдан узум ҳам ҳосил бера бошлайди.

Дарвоқе, аини пайтда бу ерда Оролбўйи ҳудудларидан келган 300 нафар Меҳрибонлик уйи тарбияланувчиси дам олиб, "меҳр булоғи"дан сув ичмоқда.

– Биз учун боланинг бегонаси йўқ, – дейди бош тарбиячи Болтаббой Исмоилов. – Ҳаммасига бирдек ғамхўрлик кўрсатишга ҳаракат қиламиз. Уларнинг келажақда жамиятда ўз ўрниларини топиб олиши учун 14 та тўғарак жорий қилганмиз. Спорт, мусиқа, рақс, расм чизиш, тикиш, тўқиш машғулотларига ўғил-қизларни лаёқатига қараб жалб қилиб борамиз. Аинқиса, инглиз тили ва рус тили тўғарғимизга болақайларнинг иштиёқи кучли. Шунингдек, лагеримизда танили ёзувчи ва шoirларимиз билан учрашув, цирк томошалари, қўғирчоқ театри спектакллари ва тарбиявий аҳамиятга эга сахна кўринишларини тез-тез ўтказиб тура-

– миз. ...Оромгоҳ ҳудудидан чиқа-ётиб, беҳосдан рақс залига кўзимиз тушди. У ерда мафтункор Лисана жажжи қизалоқларга "Танавор"ни ўргатмоқда. Эрали НОРЕКОВ, "Тошкент ҳақиқати" мухбири

Партиялар ҳаётидан

ТИНЧЛИК ВА ОБОДЛИК ТАРҒИБОТИ

Паркент туманидаги 29-мусиқа ва санъат мактабида "Тинчлик, фаровонлик ва тараққийёт йўлида" шиори остида кўргазмалар амалий семинари бўлиб ўтди. "Адолат" СДП виллоят кенгаши ташаббуси билан ташкил этилган тадбирда партиянинг шахар ва туман кенгаши мутасаддилари, фаоллари ҳамда жамоатчилик вакиллари иштирок этишди.

Амалий семинарда дастлаб "Тинчлик менинг нигоҳимда" номли кўргазма ва китоб ярмаркаси ташкил этилди. Унда тумандаги мактаб, лицей ва коллеж ўқувчилари ҳамда "Баркамол авлод" болалар маркази тарбияланувчилари тинчлик мавзусидаги ранг-тасвир ишлари билан қатнашди.

"Тинчлик тараққийёт негизи" мавзусидаги анжуман ҳам фойдали мунозараларга бой бўлди.

Шу куни тумандаги 11-мактабга таълим муассасасида "Адолат тахтачаси" номли шахмат майдончаси очилди.

– Ёш авлодни билимли ва кенг дунёқарашли қилиб тарбиялаш энг муҳим вазифаларимиздан бири, – дейди "Адолат" СДП виллоят кенгаши раиси Умиджон Шоумаров. – Эртанги давомчиларини спортга ошно қилиш, хусусан, ақл гимнастикаси орқали улар тафаккурни ва эҳётиятини шакллантириш "Адолат тахтачаси" лойиҳасининг асл мазмунини белгилайди.

Семинар доирасида "Тозалик йўлида бирлашайлик" лойиҳаси ҳам ташкиллаштирилди. Унда юртимизнинг намунавий ва обод маҳаллалари, уларни озода сақлашишда аҳоли масъулияти хусусида тўхталиб ўтилди.

Шунингдек, партия томонидан ўтказилган "Энг тоза маҳалла", "Энг тоза кўча" ва "Энг тоза хонадон" танлови голиблари аниқланди, эсдалик совғалари билан тақдирланди.

Зухриддин ҚАМБАРОВ

КИТОБХОН ОИЛА

Паркент туманидаги "Бойқозон" маҳалла фуқаролар йиғинида Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси ҳудудий кенгаши, туман хотин-қизлар кўмитаси ҳамда ўзини ўзи бошқариш идоралари билан ҳамкорликда "Энг яхши китобхон оила" танлови бўлиб ўтди.

Унда иштирокчиларнинг бадий асарлар, чет эл адиблари ва таниқли ёзувчиларимиз ижодидан хабардорлиги синовдан ўтказилди. Танлов натижаларига кўра, биринчи ўрин "Олмасор" маҳалласида истиқомат қилувчи Абдуқайюм Ҳожиёв оиласига насиб қилди.

Хонадон эгаларига танловнинг виллоят босқичига йўлланма берилди. Голиб ва совриндорларга эсдалик совғалари топширилди.

Ўз мухбиримиз

Авваламбор, шахснинг китоб-га меҳри, муҳаббати болаликдан бошланади. Бироқ, бола ёшлигидан китобнинг хор бўлиб ётганини кўрса, онгига қандай фикр ўрнашади?

Бундан бир муддат аввал матбуотда Нурафшон шахридаги 4-умумий ўрта таълим мактабида айрим мутасадди-ларнинг беэътиборлиги боис китоблар учун хона мавжуд эмаслиги, аниқроғи, маҳалла идорасининг мактаб кутуб-хонасига қўчганлиги сабаб кутубхона омборхонага қўчирилгани ҳақида мулоҳазалар эълон қилинган эди. Афсуски, ўрта Чирчиқ туманидаги агро-сноат ва транспорт касб-хунар коллежидан яна шундай ҳолатга дуч келдик.

Пойтахтдан Нурафшонга келаверишда йўлнинг устида салобатли бир таълим муассасаси бор. Бу – агро-сноат ва транспорт касб-хунар коллежидир. Унда жами 1047 нафар ўқувчи тахсил олади. 361 нафар битирувчи яқунланган ўқув йилида диплом топширилди. Ўқувчи-ёшларга 62 нафар педагог-ҳодим ва ишлаб чиқариш таълими усталари касб-хунар сирларини ўргатади.

Рақамлардан ҳам аёнки, ушбу таълим муассасаси ўрта Чирчиқ туманидаги энг йирик касб-хунар коллежидир. Коллежнинг ахборот-ресурс маркази ҳам шунга мос. Балки бундан ҳам ортиқдир. Ахир, кутубхонадан касб-хунар коллежи жойлашган маҳалла аҳли ҳам фойдаланади-да. Ана ўша маҳаллада 556 та оиладан иборат 1 минг 426 нафар аҳоли истиқомат қилади. Агро-сноат ва транспорт касб-хунар коллежи ўзининг 2 қаватли биносини вилоят ўрта махсус, касб-хунар таълими бошқармаси-

га идоранинг кўчиб келиши муносабати билан бўшатиб берган. Минг афсуски, ушбу бинода касб-хунар коллежининг, қолаверса, маҳалла аҳолиси фойдаланаётган ўша ахборот-ресурс маркази

нари борса, 1 ой муқаддам) улар ўз кутубхонасидан, истаган баддий ёхуд ўқув адабиётидан ба-майлихотир фойдаланар эди.

Кези келганда, ахборот-ресурс марказида барча қулай шароитлар яратилгани ҳақида ҳам айтиш даркор. Ахир, кеч-гина каттақон ўқув залига, архив хонаси, ахборот-коммуникация хонаси ва кутубхона залига эга бўлган ахборот-ресурс маркази бугун қатлақдай икки-тагина хонага жойлашган. Ахборот-ресурс марказида 5 мингдан зиёд баддий адабиётлар, 7 мингга яқин ўқув адабиётлари, 6 та компьютер жамлан-маси мавжуд бўлиб, барчаси интернет тармоғига уланган эди. Ҳозир эса ўқув залининг жиҳозла-

зи ҳам мавжуд эди.

Ҳозирги кунда юза-га келган вазият сабаб коллеж кутубхона-си иккига бўлиниб қолган. Китобларнинг бир қисми коллежнинг тадбирлар зали ёнидаги кичик хоначага (бу хонадан тадбирлар вақти ўқувчилар саҳна либосларини алмаш-тириш учун фойдалан-ганлар), яна бир қисми эса ўша бионинг 2-қаватидаги тор хона-да вақтинча сақланмоқда. Дар-воқе, ушбу хонада барча жавон-лар китобларию газета-журнал-лари билан устма-уст тахлаб таш-ланган. Ахир, тезроқ бошқарма-га жой ҳозирлаш керакми?! Ҳар ҳолда, меҳмоннинг иззати бор-да!..

Таълим муассасасида бўлгани-мизда ўқувчилар китоб топши-риш учун тор хона эшиги осто-насида навбат кутаётганди. Ва-ҳоланки, бир пайтлар (бундан

ри, китоб жавонларига қўшилиб, устма-уст спорт залида тахлаб қўйилган. Коллежнинг 4 та ўқув хонаси ҳам бошқарма ихтиёрига топши-рилган. Бундан ташқари, касб-хунар коллежи директорининг ўқув-тарбиявий ҳамда маънавий-маърифий ишлар бўйича ўрин-босарлари меҳнат қилаётган хо-налар ҳолига маймунлар ҳам ку-лади, ҳам йиғилади. Улар кан-дай хонада ўтиришганини ай-тишга тил бормади, тўғриси.

Телевидениеда, газета-жур-налларда "Ёшлар китоб ўқимай қўйишди", қабилидаги фикрлар бот-бот қўлоғимизга чалиниб ту-ради. Шароит, имконият бўлма-гандан кейин ўқимайди-да!

Донолар "Ҳар бир кутубхона битта қамқонхона ёпади", де-йишган. Ҳўш, унда нега бугун 12 мингдан зиёд китоб фондига эга кутубхона муқим қўним топол-мапти?..

Отабек ИСРОИЛОВ
Ўрта Чирчиқ тумани

КУТУБХОНАСИЗ КОЛЛЕЖНИНГ ЧАНГ БОСГАН КИТОБЛАРИ

Сўнгги пайтларда китоб муталааси, китобхонлик маданияти бот-бот тилга олинмоқда. Кутубхоналар фао-лиятини қайта йўлга қўйиш, ёшларнинг китобга бўлган меҳ-рини тоблаш борасида қатор тизимли, энг муҳими, хайрли ишлар олиб борилмоқда. Дарҳақиқат, китоб ўқиган одам дунёқараши, фикр доира-си, умуман, мулоқот ма-линганди. Афсуски, ўрта Чирчиқ ту-манидаги агро-сноат ва транспорт касб-хунар коллежи-да яна шундай хо-латга дуч келдик.

Ажаб савдолар



СПОРТГА ОШНОЛАР МАКТАБИ

Олмалик шаҳар Болалар ва ўсмирлар спорт мактабида спорт иншоот-ларини қуз-қиш мавсумига тайёрлаш, тизимда коррупциянинг олдини олиш; оммавий ва олимпия спорт турларини ривожлантириш масалала-рига бағишланган ўқув-амалий семинар ўтказилди.

Семинар

Унда вилоят жисмо-ний тарбия ва спорт бошқармаси мутасадди-лари, футбол мактаб-ин-тернати, Чирчиқ олим-пия заҳиралари колле-жи, Болалар-ўсмирлар спорт мактаби директор-лари ҳамда туман, ша-ҳар жисмоний тарбия ва спорт бўлимлари раҳ-барлари иштирок этиш-ди.

Семинар қатнашчилари намуна сифатида тан-ланган мазкур спорт мак-табининг фаолияти, у ерда яратилган шарт-шароитлар ва спорт мажмуалари билан яқин-дан танишишди. Таълим масканида



ёшлар учун футбол, бокс, стол тенниси, бас-кетбол, гандбол, волей-бол каби жами 12 спорт тури бўйича тўғарақлар ташкил қилинган. Мак-табдаги 1 минг 911 ўқув-чига 49 нафар малакали

мураббий тахсил бер-моқда. – Мактабимизда жо-рий ўқув йилида бир ма-ротаба мамлакат чемпи-онати, шунингдек, ви-лоят миқёсида 5 та, ша-ҳар доирасида 13 мар-

та спорт мусобақалари бўлиб ўтди, – дейди му-ассаса раҳбари Умида Назарова. – Икки йил давомида бир ўқувчи-миз Осие чемпионати совриндори ва 100 на-фарга яқини Ўзбекистон кубоги ва чемпионатла-рида ғолиб бўлишди. Энг катта ютуқларимиз-дан бири "Умид ниҳол-лари – 2018" спорт му-собақасида умумжамоа ҳисобида 1-ўринни эгаллаганимиз бўлди.

Семинар давомида халқ таълими, мактаб-ча таълим ва бошқа ташкилотлар билан ҳам-корликдаги фаолиятни кенгайтириш ва ижро интизомини самарали ташкил этиш ва бошқа масалалар ҳам муҳокама қилинди.

Зухриддин РАҲМОНОВ,
"Тошкент ҳақиқати"
мухбири

Гиёҳвандликнинг олдини олиш – долзарб вазифа

Илм-фан ривожини инсонни тараққиётнинг янги-янги чўққиларига олиб чиқди. Бироқ, дунёда халқлар, мил-латлар келажагига таҳдид солувчи бир қанча иллатлар ҳамон сақланиб қолмоқда. Ана шундай хатарлардан бири гиёҳвандликдир. Ҳўш, бу балони бартараф этиш учун кўпроқ нималарга эътибор қаратишимиз керак? Биз шу ҳақда айрим соҳа мутахассисларига мурожаат қилдик:

Азиз АЛИАСҚАРОВ,
вилоят ИИБ ЖКБ
бошлигининг ўрин-
босари, подпол-
ковник:

– Гиёҳ-вандлик инсон ҳаё-тига хавф солиш ба-робарида уни турли жиноятларга бошлаши ҳаммаимизга маълум. Шунинг учун ҳам унга қарши курашиш тобора долзарб аҳамият касб этмоқда. Жиноят кодексининг 270-275-моддаларини ўз ичига ол-ган XIX боби "Гиёҳвандлик восита-лари ёки психотроп моддалар бил-лан қонунга хилоф равишда муома-ла қилишдан иборат жиноятлар" дея номланиб, бунинг учун қатъий жазо чоралари белгиланган. Аммо, жазо қанчалик оғир ва муқаррар бўлмасин, ўз қилимининг оқибатини ўйламаган инсоннинг кўзи очилиши қийин. Энг ачинарлиси, бу балога дучор бўлганлар ва гиёҳванд мод-далар савдоси билан шуғулла-наётганлар орасида ёшлар-нинг борлигидир.

Олиб борилган чора-тадбирлар натижасида шу йилнинг 5 ойи давомида мазкур иллат билан боғлиқ бўлган 253 та жиноят аниқ-ланди. Бу кўрсаткич ўтган йилнинг шу даврига нисба-тан 30 фоизга кам, де-макдир. Шулардан гиёҳ-ванд моддаларни ўтказиш жинояти 34 та (2017 йил 5 ойида – 134 та), уларни сақлаш жинояти 125 тани (2017 йил 5 ой – 143 та) ташкил этди.

Ёшларнинг гиёҳвандлик йўлига кириб қолишига ота-оналарнинг фарзанд-ларини етарли назорат қилмаётганлари ҳам сабаб бўлмоқда. Аксарият ёшлар бўш вақтларини кўча-қўйда бемақсад ўтказиб, турли йўллар билан ҳар хил пси-хофаол дори воситалари, гиёҳванд моддалар ва спиртли ичимликлар истеъмолига ружу қўйишмоқда. Бугун улар орасида ку-затилаётган кўпгина жиноятлар ҳам айнан шу тўғрйли содир бўлаяпти.

Шоира ОХУНЖОНОВА,
Ўзбекистон Ёшлар
иттифоқи вилоят
кенгаши масъул
ходими:

– Бугун-ги глобал-лашув дав-рида ёш-ларни тур-ли таҳдид ва хуруж-лардан асраш энг муҳим вазифа-дир. Жаҳон ҳамжамиятини ташвиш-га солаётган гиёҳвандлик иллати ҳам ана шундай таҳдидлардан бири ҳисобланади. Шунинг учун ҳам бу иллатга қарши курашишда эътибор-ни кўпроқ ёшларимизга қаратишга тўғри келади.

Ўтган бир йил давомида "Ёшлар – келажақ бунёдкори" шиори ости-да Ёшлар иттифоқи вилоят кен-гаши томонидан бир қатор лойиҳа-лар амалга оширилди. Ёшларнинг ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилган ҳолда Иттифоқ қафиллиги асосида 30 дан ортиқ ёшлар суд залидан озодлик-ка олиб чиқилди. Бу билан ёшлар-нинг билиб-билимай қилган хатола-ридан сабоқ олишига имконият бе-рилди.

– Гиёҳ-вандлик инсон ҳаё-тига хавф солиш ба-робарида уни турли жиноятларга бошлаши ҳаммаимизга маълум. Шунинг учун ҳам унга қарши курашиш тобора долзарб аҳамият касб этмоқда. Жиноят кодексининг 270-275-моддаларини ўз ичига ол-ган XIX боби "Гиёҳвандлик восита-лари ёки психотроп моддалар бил-лан қонунга хилоф равишда муома-ла қилишдан иборат жиноятлар" дея номланиб, бунинг учун қатъий жазо чоралари белгиланган. Аммо, жазо қанчалик оғир ва муқаррар бўлмасин, ўз қилимининг оқибатини ўйламаган инсоннинг кўзи очилиши қийин. Энг ачинарлиси, бу балога дучор бўлганлар ва гиёҳванд мод-далар савдоси билан шуғулла-наётганлар орасида ёшлар-нинг борлигидир.

Олиб борилган чора-тадбирлар натижасида шу йилнинг 5 ойи давомида мазкур иллат билан боғлиқ бўлган 253 та жиноят аниқ-ланди. Бу кўрсаткич ўтган йилнинг шу даврига нисба-тан 30 фоизга кам, де-макдир. Шулардан гиёҳ-ванд моддаларни ўтказиш жинояти 34 та (2017 йил 5 ойида – 134 та), уларни сақлаш жинояти 125 тани (2017 йил 5 ой – 143 та) ташкил этди.

Ёшларнинг гиёҳвандлик йўлига кириб қолишига ота-оналарнинг фарзанд-ларини етарли назорат қилмаётганлари ҳам сабаб бўлмоқда. Аксарият ёшлар бўш вақтларини кўча-қўйда бемақсад ўтказиб, турли йўллар билан ҳар хил пси-хофаол дори воситалари, гиёҳванд моддалар ва спиртли ичимликлар истеъмолига ружу қўйишмоқда. Бугун улар орасида ку-затилаётган кўпгина жиноятлар ҳам айнан шу тўғрйли содир бўлаяпти.

– Гиёҳ-ванд инсон билан асло муроса қи-либ бўл-майди. Чун-ки, бу иллат охир-оқибат оилалар-нинг бузилиши, гўдакларнинг ноғи-рон туғилиши, ёшлар умрининг ха-зон бўлиши билан яқунланади. Гиёҳ-ванд шахснинг фарзанди жисмоний ва ақлий нуқсон билан туғилиши ба-робарида наркотикка мойил бўлиб ҳам вояга етади.

Бу каби ноҳус ҳолатларнинг ол-дини олиш мақсадида вилоятимиз-даги умумтаълим мактаблари, касб-хунар коллежлари ҳамда маҳалла фуқаролар йи-гинларида кенг қўламда-ги тушунтириш ва тарғи-бот ишларини олиб бо-раямиз. Ёшлар ўртаси-да бу иллат тарқалиши-нинг олдини олиш мав-зусида жорий йилнинг

олиш борасида маҳалла фуқаролар йиғинларида, ёшлар тўпланадиган жойларда маданий-қўнғилочар му-ассасалар, бог ва хиёбонлар таш-кил этиш борасида кенг қўламли ишлар олиб борилаяпти.

Тўрақул АРЗИКУЛОВ,
вилоят соғлиқни сақ-лаш бошқармаси
бошлиги:

– Гиёҳ-ванд инсон билан асло муроса қи-либ бўл-майди. Чун-ки, бу иллат охир-оқибат оилалар-нинг бузилиши, гўдакларнинг ноғи-рон туғилиши, ёшлар умрининг ха-зон бўлиши билан яқунланади. Гиёҳ-ванд шахснинг фарзанди жисмоний ва ақлий нуқсон билан туғилиши ба-робарида наркотикка мойил бўлиб ҳам вояга етади.

Бу каби ноҳус ҳолатларнинг ол-дини олиш мақсадида вилоятимиз-даги умумтаълим мактаблари, касб-хунар коллежлари ҳамда маҳалла фуқаролар йи-гинларида кенг қўламда-ги тушунтириш ва тарғи-бот ишларини олиб бо-раямиз. Ёшлар ўртаси-да бу иллат тарқалиши-нинг олдини олиш мав-зусида жорий йилнинг

ўзида 700 дан ортиқ шифокорлари-миз иштирокида 6 мингга яқин ту-шунтириш-тарғибот тадбирлари уюштирилди.

Бугунги тахлилларимизга кўра, жорий йилнинг биринчи чорагида гиёҳвандлар орасида вояга етма-ганлар учрамади. Гиёҳванд аёллар ўртасида касаллик тарқалиши эса 9 тадан 8 тага камайган. Наркотик моддаларни истеъмол қилувчилар ҳам ўтган йилдаги нисбатан озай-ган. Барбир бу кўрсаткичлар биз-ни хотирхам қилаётгани йўқ.

Шу ўринда ота-оналаримиз учун айрим эслатмаларни такрорлаб ўтишни истардим. Фарзандлари-мизни ҳеч қачон назоратсиз қол-дирмаслигимиз лозим. Бугунги ах-борот асрида биргина қизиқш таъ-сирида боши берк кўчаларга кириб қолиш ҳеч гап эмас. Ёшларимизни кун давомида шундай фойдали маш-гулотларга жалб қилайликки, улар вақтни ҳеч қачон беҳуда ўтказиш-масин.

Қобилжон АТАХАНОВ,
Жиноят ишлари бўй-ча вилоят судининг
бош мутахассиси:

– Яқин-да бир та-ниш иш м-ни яннинг тўйи тўхта-тилганини куниб гапириб берди. Турмушга чиқаётган қизнинг содақил ота-ониси совчиларнинг қувб бўлишини оғзиларидан бол томиб макташга-ни ишониб, розилик берган экан. Кейин суриштириб кўришса, йигит гиёҳванд чиқибди.

Афсуски, бундай ноҳус ҳолатлар онда-сонда бўлса ҳам учраб турибди. Биноба-рин, мамлакатимизда ва хал-қор миқёсида айни жирканч иллатга қарши мислсиз ку-раш олиб борилмоқда. Шун-га қарамай, дунё бўйича тах-минан 500 миллиондан ор-тиқ одам шу дардга йў-лиққан. Уларнинг аксарият қисмини 30 ёшгача бўлган-лар ташкил этаётгани таш-вишланарли. Бунинг оқиб-атида ҳар йили 200 мингдан ортиқ киши ҳаётдан кўз юмади. Шу билан бирга, жа-ҳонда содир этилаётган жи-ноятларнинг 57 фоизи гиёҳ-вандлар ҳиссасига тўғри ке-ларкан...

Жорий йилнинг илк чора-гида вилоятимизда шу иллатга ало-қадор 123 та жиноят иши қўриб чи-қилди. Шундан 122 та иш бўйича 138 нафар шахсга нисбатан ҳукм чиқарилган. 1 та жиноят иши ҳаракатдан тўхтатилган. 13 нафар шахсга жари-ма жазоси қўлланилган. Икки шахс-га мажбурий жамоат ишлари жазо-си тайинланган. 13 киши ахлоқ туза-ти ишларига, 69 фуқаро озодлик-дан маҳрум этиш жазосига ҳукм қилинган.

Бу иллатга қарши курашишда ўзаро ҳамкорликда гап кўп. Шу боис, бу борадаги жиноят ишлари-ни маҳалла, қорхона ва ташкилот-ларда, сайёр суд мажлисларида кўриш қўламини кенгайтириб бо-раямиз. Айниқса, гиёҳвандлик ор-ган туманларда аҳоли, ёшлар билан жонли мулоқотларни кўпроқ ўтказиб боришга алоҳида эътибор қара-таямиз.

Ҳаётнинг қадрига етиб, мазмунли умргузарон-лик қилиш ҳар кимнинг ўзига боғлиқ. Гиёҳванд-лик иллати инсон умрини ҳазон қилиш бораба-рида элу юрт олдида бошини ҳам қилиб қўйиши шубҳасиз. Шундай экан, заҳри қотил тўғрйли ҳеч кимнинг гўлдек умри завол кўрмасин.

"Тошкент ҳақиқати" мухбири Абдусалим МАҲМУДОВ ёзиб олди.

Реклама

"PRIME REALTY" МЧЖнинг
АУКЦИОН САВДОЛАРИГА МАРҲАМАТ!

2018 йил 7 август кунини соат 15.00 да мулкнинг бошланғич баҳоси босқичма-босқич оши-рилиши тартибида ўтказила-диган очик аукцион савдосига "FAHRIDDIN OMAD AGRO" фер-мер хўжалигига қарашли бош-ланғич баҳоси – 77 200 000 сўм бўлган, Тошкент вилояти, Зан-гиота тумани, "Иттифок" мас-сиви ҳудуди бўйича 2,29 Га. ер майдони участкасида жойлаш-ган 800 туп грек ёнғок дарахт-лари, 150 туп олма дарахтла-ри, 50 туп олча дарахтлари ва 50 туп гилос дарахтлари ва уларга бўлган ҳуқуқлар қўйил-моқда.

Мазкур мулк сотилмаса, так-рорий аукцион савдолари хар ҳафтанинг сешанба кунлари юқорида кўрсатилган соатлар-да ўтказилади. Аукцион савдо-си Тошкент вилояти, Зангиота-тумани, Эшонгузар кўргони, Мустақиллик кўчаси, 23-уйда, туман ҳокимлиги биносидида ўтказилади. Аукцион савдоси қолиби савдо ўтган кундан бошлаб, 10 (ўн) кун ичида со-тувчи билан олди-сотди шарт-номасини тузиши ва мулкнинг сотиб олиш баҳосидан ташқа-ри, савдо ташкилотчасига мулк сотув нархининг 5 (беш) фоиз комиссиясига йиғими тўлашиши лозим. Аукцион савдосида иш-тирок этиш учун талабгорлар-дан аризалар расмий иш кун-лари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади ва аукцион

савдосидан бир кун олдин соат 15.00 да тўхтатилади. Аукцион савдоларида қатнашиш иста-гидида талабгорлар тузилди-ган закалат келишувига асосан объект бошланғич баҳосининг 15 (ўн беш) фоизидан кам бўлмаган миқдордаги тўловни савдо ташкилотчасининг АТБ "InfibANK"даги ҳисоб рақами: 20208000700765990001, МФО 01041, ИНН 304844964 га тўлашлари ва қуйида кўрсати-лган ҳужжатларни топшириш-лари керак:

– аукцион савдосида қатна-шиш учун юридик шахслардан давлат рўйхатидаги ўтказилган-лиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси, агар ваколатли шахс қатнашса, ўрнатилган тартибда расмийлаштирилган ишонч-нома ва унинг шахсини тасдиқ-лайдиган ҳужжат илова қилин-ган ҳолда;

– жисмоний шахслардан паспорт нусхаси, закалат пули тўланганлиги ҳақида тўлов ҳуж-жати.

Ҳар бир мулкка қўшимча хизматлар кўрсатиш учун энг кам ойлик иш ҳақининг 2 ба-робари миқдорига тўлов оли-нади.

Манзил: Тошкент шаҳри, М. Улуғбек тумани, Ҳ. Олимжон кўчаси, 13-А уй. Тел.: (0599) 858-01-12. E-mail: info@primerealty.uz, www.primerealty.uz.

Лицензия рақами RR 0285.

Электрон онлайн-аукцион савдолари натижа-лари бўйича ғолиблик баённомаси имзоланган санадан бошлаб, 20 кундан кечикмай олди-сот-ди шартномаси тузилади.

Электрон онлайн-аукцион савдолари 2018 йил 6 август кунидан бошлаб, иш кунлари соат 9.00 дан 18.00 гача ўтказилади.

Электрон онлайн-аукцион савдоларида қатна-шишга электрон буюртманома қабул қилиш элек-трон онлайн-аукцион савдоси ўтказилишидан икки иш кунин олдин (соат 13.00 гача) тамом бўлади.

Савдоларда иштирок этиш учун қўшимча маълумотлар ва сотувдаги бошқа объектлар тўғрисидаги маълумотларни Давлат рақобат қўмитасининг Тошкент вилояти ҳудудий бош-қармаси ҳамда Давлат рақобат қўмитасининг privatization.gkk.uz ва "E-IJO AUCTION"нинг www.e-auction.uz сайтлари орқали олиш мум-кин.

Мурожаат учун манзил: 100060, Тошкент ша-ҳри, Шаҳрисабз кўчаси, 42-уй. Маълумот учун телефонлар: (0-371) 230-41-73, 230-41-70. E-mail:

tashreg@gki.uz Интернет тармоғидаги веб-сайт: www.gki.uz, www.gkitorg.uz.

Хурматли тадбиркорлар ва ишбилармонлар! Савдоларни ўтказиш жараёнида қонун билан қўриқланадиган ҳуқуқларингиз бузилган тақдир-да Давлат рақобат қўмитасининг (0-371) 259-21-37 ёки Давлат рақобат қўмитаси Тошкент вилояти ҳудудий бошқармасининг (0-371) 230-41-81 рақамли Ишонч телефонларига зуд-лик билан хабар беришингиз сўралади.

Савдоларга марҳамат қилинг!

Айни вақтда вилоятимизда ёшлар сони 815 минг нафарни ташкил этиб, улардан 376 минг 520 нафари Ўзбекистон ёшлар иттифоқи сафига бирлашган. Бугунги кунда иттифокнинг вилоятдаги бошланғич ташкилотлари сони 2 минг 275 тага етди. Иттифок томонидан 79 нафар ёш тадбиркорга 2 млрд. 259 млн. сўм миқдорда имтиёзли кредит олиши учун тавсияномалар берилди. Шу каби тизимли ишлар изчиллик билан олиб борилиши натижасида, ёш-

дек, мамлакатимиз Президентини томонидан тақдим этилган кўл соатлари тантанали равишда топширилди. — Болалигимдан санъатга, мусиқага қизиқишим баланд бўлган, — дейди "Мард ўғлон" давлат мукофот совриндори Отабек Султонов. — Шу боис, кўп-лаб санъат ва мусиқа танловларида қатнашиб, юқори ўринларни қўлга киритганман. Лекин, бугунги юксак эътироф, эътибор энг қувончли ва эсда қоларли бўлди. Бунинг учун Юртбошимизга чин дилимдан раҳ-



ЭРТАНГИ КУН БИЗНИКИ, МАРРА БИЗНИКИ!

Вилоятимизда Ёшлар куни кенг нишонланди



лар ўртасида жиноятчилик кескин камайди. Кафиллик асосида афв этилган 38 нафар ёшнинг ҳар бирига Ёшлар иттифоқи вилоят кенгаши ходимлари бириктирилиб, ҳозирда уларнинг 32 нафари давлат ва ҳусусий секторларга ишга жойлаштирилди.

Учрашувда давлатимиз раҳбарининг 2018 йил 28 июнда қабул қилинган "Мард ўғлон" давлат мукофоти билан тақдирлаш тўғрисида"ги Қарорига кўра, ушбу мукофот билан тақдирланган вакилларимиз — Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардиясининг Республика ихтисослаштирилган мусиқа ва санъат академик лицейи 3-босқич ўқувчиси Отабек Султонов ва Паркент агросаноат ва сервис касб-хунар коллежи битирувчиси Аслиддин Сабриддиновга лауреатлик дипломи ва кўкрак нишонлари, энг кам ойлик иш ҳақининг 50 баравари миқдорида пул мукофоти, шунинг-

мат, дейман. Менга билдирилган ишончини оқлашга, яратилган имкониятлардан оқилона фойдаланишга сўз бераман. Хужжатларимни Ўзбекистон давлат консерваториясига топширдим. Энди насиб бўлса, таҳсилимни шу олийгоҳда давом эттираман.

Шундан сўнг ҳоким ва ёшлар мулоқоти бошланди. Очқ ва эркин руҳдаги мулоқотда ёшлар ўзларини қизиқтираётган масалалар, айрим муаммолар юзасидан вилоят ҳокимига тўғридан тўғри муножот қилишди.

— Биз гапириш ва эшитиш бахтидан мосуво бўлсакда, шундай юртининг фарзанди эканлигимиздан қувонамиз, — дейди Олмалик шаҳридаги 80-сонли ихтисослаштирилган мактаб ўқувчиси Мафтуна Чўлпонова. — Бундан бир неча йиллар аввал телевизорда ахборот дастурининг пастки бурчагида биздек имконияти чекланганлар учун сурдо таржима бўларди. Ҳозир эса йўқ. Агар имкони топилиб, ҳеч бўлмаса "Болажон"

каналда шундай сурдо таржимон фаолияти йўлга қўйилса, биз ҳам ўзимизни тўлақонли ҳис қилардик. Мафтунанинг бу таклифи дарҳол қабул қилинди. Қувончдан кўзлари порлаган қизалоқнинг имо-ишора билан "Сизни бир бағримга боссам майлими" мазмундаги ҳаракати барчани ҳаяжонлантириб юборди.

— Ёшларни спортга кенг жалб этиш долзарб масалалардан бири ҳисобланади, — дейди Оққўрғон тумани "Камалак" болалар ташкилоти раиси Азиз Қўшбоев. — Шу сабабли учрашувда 7-14 ёшлилар ўртасида туманлараро футбол бўйича "Ҳоким кубоги" ни ўтказиб, ёшларнинг маҳорати-га қараб, уларни рағбатлантириш таклифини билдирдим. Ушбу таклифим вилоят ҳокими-га маъқул бўлганидан хурсандман.

— Кутубхонага кирсам, китобларни кўриб, чексиз завқни туяман, — дейди Тошкент туманилик мактаб ўқувчиси Феруза Раҳимжонова. — Китоблар, айниқса,

яхши китоблар ҳаётни гўзалроқ кўришга, бир-биримизга янада меҳрибонроқ бўлишга ёрдам беради. Шу боис, ҳокимдан шахримизда кутубхона қуриб беришни сўрадим. Бу истагим қабул қилинганидан қувониб кетдим.

Мулоқотда тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланётган ёшлар ҳам ўзлари амалга ошираётган ишлар ва келгуси режалари ҳақида фикр билдиришди.

— Ҳўжалигимиз ер майдони 8 гектар, — дейди Паркент туманидаги "Agrogroup" фермер хўжалиги раҳбари Руҳиддин Ризаев. — Унинг 3 гектари узум, 1 гектари гилос. Ярми эса бўш ерлар. Келгусида тадбиркорлигимни янада кенгайтириш ва бўш қолган ерларда экспортбон маҳсулотлар етиштириш учун 800 миллион сўм миқдорида кредит олоқчи эдим. Аммо, кредит таъминоти масаласи ҳал бўлмаётган эди. Шу масалада вилоятимиз ҳокими-дан ёрдам сўрадим. У киши бу борада

мутасадди ташкилотлар раҳбарларига дарҳол тегишли топшириқ берганидан кўнглим тоғдек кўтарилди. Амалга ошироқчи бўлаётган янги режа-м туфайли тенгдошларимдан 50 нафарини иш билан таъминлашим мумкинлиги ҳамда вилоятимиз экспортига қўшадиган ҳиссам ҳақида айтиб бердим.

Қизгин фикр алмашувлар тарзида ўтган мулоқотда ёшлар учун махсус ўқув курслар ташкил этиш, коллеж битирувчиларининг бандлигини назорат қилиш, айрим туманларда сув ҳавзаси биноларини қуриш, вилоят ёш ижодкорлари асарлари жамланган альманах чоп этириш, спортчи ёшларни моддий қўллаб-қувватлаш каби таклифлар ҳоким томонидан маъқулланиб, амалий фикр-мулоҳазалар билдирилди.

Юзма-юз кечган мулоқотдан сўнг ёшлар Бекобод шаҳридаги марказий ўйингоҳдаги фестивалга йўл олишди. Тадбир аввалида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг юртимиз ёшларига йўллаган байрам табригини вилоят ҳокими Ф. Ибрагимов ўқиб эшиттирди.

Пойтахтдан ташриф бу-юрган устоз санъаткорлар ва эстрада юлдузлари томонидан намойиш этилган катта концерт дастури байрам кайфиятига янада кўтаринкилик бағишлади.

Абдусалим МАҲМУДОВ,
Эрли НОҲБЕКОВ,
"Тошкент ҳақиқати"
мухбирлари
Равшан МИРЗАҚУЛОВ
олган суратлар

Истеъдод

БУГУН КУЙЛАНАДИ ҲАЁТ ДОСТИНИ...

Бизни билмасиз-да, бизлар бошқача. Хасни-да, тиргакка айлантирамиз. Йўлдан тош чиқса гар юзидан ўйиб, Чўгдек бир юракка айлантирамиз. Даштнимас, энг баланд чўққини кўзлаб, Етни дўстим дея, кичикни сизлаб, Гапирсак биз фақат юракдан сўзлаб, Дунёни эртатка айлантирамиз. Бугун куйланади ҳаёт достони, Қалбларга кўчириб чаманистонни, Хали кўрасизлар, Ўзбекистонни, Буюк бир юракка айлантирамиз.



Аслиддин САБРИДИНОВ,
"Мард ўғлон" давлат
мукофоти совриндори

МУҚАДДАС ОСТАНА

Қара дўстим, ошиб кўйдинг қандай буюк довоинингни Бу йўлларда қанча тошлар эзгилади товоинингни, Қаддинг кўтар, буюғига эгаси бўл замонингни, Ўзбекистон бўлай десанг, оstonангни мустаҳкам қил! Бу чинорлар бош эгмасдан ўйиб келган бўронларга, Бу минорлар дош беролган қанча-қанча суронларга, Арслон бўлиб туғилгансан, бек бўл шундай арслонларга, Ўзбекистон бўлай десанг, оstonангни мустаҳкам қил! Асл йигит курагимас, ори ерга ташланади, Бир гиёҳга тиг текса гар, менинг кўзим ёшланади, Ахир, Ватан деганлари оstonадан бошланади, Ўзбекистон бўлай десанг, оstonангни мустаҳкам қил! Ғанимларга бош эгмаган қаҳрамонлар яроғи бўл, Иқболингни тилаб турган она халқинг ардоғи бўл, Шу Ватаннинг боласисан, шу Ватаннинг қароғи бўл, Ўзбекистон бўлай десанг, оstonангни мустаҳкам қил! Узаг еқдан изламагин, ўзингдадир Ўзбекистон, Бир энтиқиб чақнаб турган кўзингдадир Ўзбекистон, Бундоқ ўйлаб кўрсанг ахир, кўксингдадир Ўзбекистон, Ўзбекистон бўлай десанг, оstonангни мустаҳкам қил!

ҲАМШИРА ҚИЗГА

Шифохона,
Даволаниш ёмон эмас,
Айтмаса гар сал-пал юрак қисшини.
Кўни билан кўтиб этиш осон эмас,
Ҳамшира қиз хабар олиб киришини.

У ҳам битта фариштага қиёдадош,
У ҳам битта назар тушган пок тилакдек.
Йўлак бўйлаб, юрак ўйнаб юришида,
Оқ халатда — оқ либосли келинчақдек.

Кўзларига кўз тегмасин ҳар қарашда,
Кўзи тушмай, қорачўғим қуяди-ёв...
Томиримга битта игна санчишида,
Юрагимни тинчлантириб қўяди-ёв.

Томиримни уришини эшитганда:
Бармоқлари жимирлашиб қўйишади
Киприклар жимирлашиб қўйишади,
Нимадир деб шивирлашиб қўйишади...

Асқартоғдан ошиб борар қон босимим,
Қоним билан тошиб борар жон босимим.
Ҳамшира қиз хонамизга кирмай туриб,
Армонларга, андуҳларга қон, босимим!

Тавба қилдим, мандай ошиқ борми ўзи,
Қоғозларга тўкилди-я, андишалар.
Бутун умр бемор бўлиб қолсам агар,
Айбдордир, ҳамширалар, ҳамширалар!

ТАБИАТ МАНЗУМАСИ

Ўзбекистон Бадий академиясининг Иқоу Хирамама Халқаро маданият қарвонсаройида рангтавирчи рассом Тоҳир Шоймуродовнинг "Озод юрт кўшиғи" номли шахсий кўргазмаси очилди.

Кўргазма



Экспозициядан вилоятимизнинг турли ҳудудлари тасвирланган "Қизил сув терактари", "Қизил сув шаршараси", "Аждар тоғ", "Қирқ қиз жарлиғи", "СамПИ оромгоҳи", "Оромгоҳдаги ёнғоқ", "Қизил сувдаги асаларичилар", "Қизил сойдаги ёнғоқ" каби ижод намуналари ўрин олган бўлиб, улар томошабинни бефарқ қолдирмайди.

Шу кунгача мусаввирнинг қатор шахсий кўргазмалари ташкил этилган. Ўзбекистон Бадий ижодкорлар уюшмаси аъзосининг ижод намуналари билан 8 июлгача танишишингиз мумкин.

Ҳасан АБДУНАЗАРОВ

Реклама ва эълонлар
ЩЕЛКОВО АГРОХИМ
российский аргумент защиты

SAN AGROHIM
ИШОНЧЛИЛИК
НАДЕЖНАЯ ЗАЩИТА
RELIABLE PROTECTION

Дехқон ва фермер хўжаликлари раҳбарлари ҳамда шахсий томорқа эгалари диққатига!

Россия Федерациясининг Москва вилоятидаги "Щелково Агрохим" акциядорлик жамиятининг ўсимликларни ҳимоя қилувчи кимёвий воситалари Сиз парваришлайётган қишлоқ хўжалиги экинларини турли зараркундалар, касалликлар ҳамда бегона ўтлардан сифатли ва ишончли ҳимоя қилади. Агар Сиз мўл ҳосил олоқчи бўлсангиз, "Щелково Агрохим" АЖ маҳсулотлари бўлган кимёвий воситаларни харид қилинг!

Инсектицидлар:

Фаскорд, МЭК
Имидор, СЭК

Гербицидлар:

Спрут Экстра, ЭМК
Форвард, МЭК

Фунгицидлар:

Титул 390, КЭК
Титул ДУО, КЭК



Мурожаат учун манзил: Самарқанд шаҳри, Маҳмуд Қошғарий кўчаси,
49-уй, "SAN AGROHIM" Россия-Ўзбекистон қўшма корхонаси.

Тел./факс: (+99866) 240-07-03 • www.betaren.ru • E-mail: sanagrohim@mail.ru

Тўловлар исталган тартибда (нақд пул, пластик карта ҳамда пул кўчириш йўли билан) амалга оширилади.
Маҳсулотлар лицензияланган.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА

Муассис:

Тошкент вилояти ҳокимлиги

Бош муҳаррир

Ғайрат

ШЕРАЛИЕВ

Хафтанинг
чоршанба ва
шанба кунлари
чиқади.

12 598 нусхада
чоп этилди

Қабулхона:
Бош муҳаррир ўринбосари:
Масъул котиб:
Бўлим муҳаррирлари
Шартнома ва эълонлар:
Ҳисоб-китоб бўлими:

Телефонлар:

233-58-85 (факс)
233-70-10
233-12-83
233-38-23, 233-48-08
233-65-59
233-54-10

Тошкент вилояти Матбуот ва
ахборот бошқармасида 2011
йил 12 январда 03-001 рақами
билан рўйхатга олинган.
Газета «Тошкент ҳақиқати»
таҳририяти компьютер
марказида терилди ва
оператор Т. Маҳмуджон
томонидан саҳифаланди.

Навбатчи муҳаррир
Абдусалим МАҲМУДОВ
Навбатчи
Зухриддин РАҲМОНОВ
Назоратчи мусоҳиҳ
Қумуш ЭҒАМБЕРДИЕВА